

# **ТАҢҚИДИЙ ФИКРЛАШИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

# РЕЖА

- Танқидий фикрлашнинг мазмун-моҳияти.
- Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичлари.
- Танқидий фикрлашни ривожлантириш стратегиялари.

# АДАБИЁТЛАР

- Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпл. Проект: Чтение и письмо для развития крытического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 2000.
- Дайана Халпери. Психолоия крытического мышления.- Сант-Петербург, 2000.
- Дэвид Клустер. Танқидий фикрлаш нима? Таржимон К.Ишматов. СОРОС «Танқидий фикрлаш асослари» дастури.
- Фарберман Б.Л. ва бошқ. Олий ўқув юртларида ўқитишининг замонавий усуллари. – Т., 2002.
- Халқаро очиқ жамияти институтининг «Танқидий фикрлашни ривожлантириш асослари» дастури. – Т., 2002.

# Мотивация босқичи

Топшириқ: беш минут вакт  
давомида “Танқидий фикрлашни  
ривожлантириш стратегиялари  
ҳақида нималарни биламан?”  
мавзусида үз фикрларингизни  
қоғозга ёзинг.

## **Танқидий фикрлашни ривожлантиришга таъсир этувчи ақлий фаолият кўникмалари**

- Эсда сақлаш** – энг муҳим фикрлаш жараёни бўлиб, бусиз ўқув жараёнини амалга ошириб бўлмайди, лекин у танқидий фикрлашдан тубдан фарқ қиласи. Компьютернинг хотираси ҳар биримизнидан анчагина яхшироқ, лекин эсда сақлаш танқидий фикрлашни билдирмайди.
- Ўқув жараёнини усиз амалга ошириб бўлмайдиган «нотанқидий фикрлаш» турларидан яна бири – **мураккаб ғояларни тушуниш** билан боғлиқ.**
- «Танқидий фикрлаш» тушунчасига мос келмайдиган яна бир фикрлаш тури бу – **ижодий ёки ички ҳис билан (интуитив) сезиб фикрлашdir.** Спортчи, рассом, мусиқачилар миясида ҳам мураккаб фикрлаш жараёни содир бўлади, лекин улар буни ҳатто сезмайдилар ҳам.**

## **“Танқидий фикрлаш” тушунчаси**

Танқидий фикрлаш – ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёни. Бироқ танқидий фикрлаш – билиш фаолиятининг юқори даражаси сифатида талабаларда матн билан ишлаш кўникмасини ривожлантиришга, оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашга, мазкур матн бўйича курсдошлари билан биргаликда ҳаракатда бўлишига қаратилган педагогик технология... Танқидий фикрлаш – ўкув аудиториясидаги руҳиятни ўзгартира оладиган стратегиялар мажмуидир, яъни машғулот ўқитувчи ва талабаларнинг ижодхонасига айланади.

## **Танқидий фикрлашни ривожлантириш шарт-шароитлари**

- Танқидий фикрлаш тажрибасини орттиришга вақт ва имконият бериш.
- Талабаларга фикрлаш имкониятини бериш.
- Турли ғоя ва фикрларни қабул қилиш.
- Ўқув жараёнида талабаларнинг фаол қатнашишларига имкон бериш.
- Талабаларни уларнинг устидан ҳеч ким кулмаслигига ишонтириш.
- Ҳар бир талабани у танқидий мулоҳаза юритишга қодир эканлигига ишонтириш.
- Танқидий фикрлаш пайдо бўлишини қадрлаш.

### **Шу билан бирга, талабалар:**

- Ўз-ўзига ишончни ривожлантириб, ўз ғоя ва фикрларининг қимматини тушинишлари керак.
- Таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим.
- Турли фикрларни ҳурмат билан эшитишлари керак.
- Ўз мулоҳазаларини шакллантиришга тайёр бўлишлари ёки ундан ўзларини тийишлари лозим.

## Танқидий фикрлашнинг элементлари

- танқидий фикрлаш – бу мустақил фикрлашдир;
- ахборот – танқидий фикрлашнинг бошланишидир;
- танқидий фикрлаш саволнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммони аниқлашдан бошланади;
- танқидий фикрлаш ишончли далилларга интилади;
- танқидий фикрлаш – ижтимоий фикрлашдир.

## Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичлари

| Чақириқ (Даъват)  | Англаш   | Фикрлаш  |
|---|--|--|
| <p>1. Янги маълумотларни маълум бўлганлар билан боғлаш.</p> <p>2. Талабаларни фоллаштириш.</p> <p>3. Таклиф этилган мавзуни кўриб чиқишига қизиқиш туғдирилади ва мақсад аниқланади</p> | <p>1. Чакирик босқичида яратилган қизиқиши ва ҳаракатланиш инерциясини, фаолликни қўллаб-кўвватлаш.</p> <p>2. Талабаларда ўз тушинишини кузатишига доир интилишларини кўллаш.</p> <p>3. Янги ўқув материалининг тушунилишига эришиш.</p> | <p>1. Талабалар янги фикр ва ахборотларни ўз сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилиб кўришлари керак.</p> <p>2. Тушунгандарни ўз сўзлари билан ифодалаб, қайта тузганда шахсий англанган контекст юзага келади.</p> <p>3. Жонли фикрлар алмашинувига эришилади.</p> |

# Танқидий фикрлашни ривожлантириш стратегиялари

| Даъват босқичида<br>қўлланиладиган<br>стратегиялар   | Англаш босқичида<br>қўлланиладиган<br>стратегиялар   | Фикрлаш босқичида<br>қўлланидиган<br>стратегиялар  |
|--|--|--|
| Эркин ёзиш.<br>Кластер.<br>Ақлий ҳужум.<br>Б-Б-Б чизмаси.<br>Чалкаштирилган<br>мантиқий<br>занжирлар кетма-<br>кетлиги.<br>Семантик<br>хусусиятлар<br>таҳлили. | Семантик<br>хусусиятлар<br>таҳлили.<br>Б-Б-Б чизмаси.<br>Ўқитиш бўйича<br>қўлланма.<br>Бир-бирига<br>ўргатиш.<br>Бир-биридан сўраш.<br>Икки қисмли<br>кундаликлар. | Энг асосий<br>тушунчалар,<br>такрорлаш.<br>Т-чизма.<br>Концептуал жадвал.<br>Венн диаграммаси.<br>Нилуфар гули.<br>Беш минутлик эссе.<br>Ўн минутлик эссе. |

## **Қуида келтирилған методлар билан танишинг ва қайси гурұхга киришиға қараб, оғзаки, күргазмали ва амалий методларга таснифланғ.**

1. Машқ.
2. Хикоя.
3. Видеометод.
4. Мунозара.
5. Дидактик үйинлар.
6. Лаборатория методи.
7. Сұхбат.
8. Тушунтириш.
9. Маъруза.
10. Китоб билан ишлаш.
11. Иллюстрация.
12. Демонстрация

| <b>Оғзаки</b> | <b>Күргазмали</b> | <b>Амалий</b> |
|---------------|-------------------|---------------|
|               |                   |               |

## **Қуида келтирилган түшунчалар билан танишинг ва улар асосида матн тузинг**

- 1) Хоразм, Боғдод академияси, расадхона, ўнлик тизим, тўрт амал, алгоритм, алгебра;
- 2) саккизта асар, «Самовий жисмларнинг ҳаракати ва юлдузлар илми», астрономиядан қўлланма;
- 3) Фороб, Дамашқ, Миср, 160дан ортиқ асар;
- 4) Кат шаҳри, Маъмун академияси, хорижий тиллар, 200га яқин илмий асар, глобус, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», Ғазна;
- 5) Сайрам, Яssi, 23 ёш, «Ҳикматлар».

## **Қуидаги саволлар билан танишинг ва юқорида баён этилган фикрлар асосида жавоб ёзинг**

1. Танқидий фикрлаш деганда нима тушинилади?
2. Танқидий фикрлашни ривожлантириш стратегияларига нималар киради?
3. Танқидий фикрлашни ривожлантириш стратегияларининг асосий хусусияти нималардан иборат?

# Топширик

Беш минут вакт давомида танқидий  
фикрлашни ривожлантириш  
стратегиялари ҳақида нимани билиб  
олганлигингиз ва сиз барибир  
жавобини ололмаган битта саволни  
варакқа ёзинг.

## **Қүйида келтирилген жадвал билан танишинг ва ўз билимингизга асосланиб уни тўлдиринг.**

| <b>Табақалар</b> | <b>Қайси гурӯҳ<br/>вакили эканлиги</b> | <b>Табақасининг<br/>барқарорлиги</b> | <b>Турмуш<br/>тарзи<br/>даражаси</b> |
|------------------|--|--------------------------------------|--------------------------------------|
| Браҳманлар       |  |                                      |                                      |
| Кшатрийлар       |  |                                      |                                      |
| Вайшилар         |  |                                      |                                      |
| Шудралар         |  |                                      |                                      |

# Т-чизма график организатори

Т-чизма мунозара вақтида қўшалоқ жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш зид жавобларни ёзиш учун универсал график организатор ҳисобланади. Масалан “Хоразмшоҳнинг мудофаа режаси” матнини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт ўқувчи қуида келтирилганидек Т-чизмани тузиши ва беш минутдан кейин, чизманинг чап томонида Хоразмшоҳлар давлатининг сақлаб қолиниши учун беш минут ичida қанча ўйлаб топиш мумкин бўлган шунча сабабни ёзиши мумкин. Сўнгра беш минут мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш минут мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

## **Икки қисмли кундаликлар**

Икки қисмли кундаликлар талабаларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Айниқса, талабалар қандайдир катта матнни уйда, ўқув аудиториясидан ташқари ўқиб чиқиши топшириғини олишганида икки қисмли кундаликлар фойдаидир.

Икки қисмли кундалик учун талабалар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизик ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Коғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Эҳтимол, у қандайдир хотирани уйғотар ёки ҳаётларида юз берган воқеаларни эсга туширас, ёки шунчаки таажжубга солар. Ёхуд уларнинг қалбида кескин норозилик ҳиссини уйғотар. Унг томонида улар шарҳ беришлари керак: айни шу цитатани ёзишга уларни нима нарса мажбур этди? Уларга қандай фикрлар уйғотди? Шу муносабат билан уларда қандай савол туғилди? Қисқаси, матнни ўқиркан, талабалар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалоқ кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак.

**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ  
УЧУН РАҲМАТ!**